

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Protected by PDF Ant-Crowd Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Урганч шаҳри

2023 йил 26 июнь

Урганч туманлараро иқтисодий судья Н.Аллаберганова раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Саидов котиблигида, Урганч туманлараро иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида,

Аризачи: _____нинг

Жавобгар: _____нинг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили _____ кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи _____

_____ корхонасининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили иштирок этмади, ариза юзасидан фикр билдирмади.

Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 170,128-моддаларига асосан жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида иштирок қилган аризачи вакили тушунтириш бериб, жавобгар томонидан аризада кўрсатилган ҳисоботини топширмаганлиги тўғрисида маълумот тақдим қилиб, суддан аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Солиқ идораси томонидан солиқ тўловчига белгиланган солиқ тури бўйича солиқ ҳисоботини тақдим қилиш юзасидан хабарнома юборилган бўлсада, солиқ тўловчи томонидан тегишли солиқ ҳисоботи белгиланган муддатларда тақдим қилинмаган.

Шундан сўнг солиқ идорасининг солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кунга тўхтатиб туриш бўйича қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ кодексининг 273-моддаси талабига кўра солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги назарда тутилган.

Мазкур кодекснинг 111-моддаси талабига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича

операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Юридик шахслар ва ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агентининг) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим қилишнинг белгиланган муддати тугагандан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агентининг) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказмаётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 170, 176-179, 180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Аризачининг аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

_____ ҳисобварақлари бўйича операциялар Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан тегишли солиқ тури бўйича солиқ ҳисоботи тақдим қилингунга қадар (ойлик иш ҳаққи ва мажбурий тўловлардан ташқари қисми) _____

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда шу суд орқали Хоразм вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин.

Судья

Н.Аллаберганова